

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Р.Д.ДУСМУРАТОВ, А.С.БОЛТАЕВ

ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Тошкент – 2022

UDK: 093.650.34

KBK: 65.050.9(5Ўзб)

Дусмуратов Р. Д., Болтаев А. С. Монография Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг ташкилий-услубий жиҳатлари. – Т.: «Fan ziyosi» нашриёти, 2022. – 160 б.

Мазкур монографияда аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, асосий ҳужалик жараёнларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш ҳамда молиявий-ҳужалик фаолияти таҳлилининг ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган. Жумладан, таъминот ташкилотларида ҳисоб сисъатини шакллантиришнинг таркибий қисмлари ҳамда товар-моддий захираларини ҳисобга олишни унинг «Услубий масалалар» қисмида тулик очиб курсатиш тартиби асосланган; таъминот ташкилотларида товарлар киримини тўғри ташкил этиш ва таннархини аниқлаш тартибини соддалаштириш мақсадида 1520 - «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётини киритиш зарурати асослаб берилган; товарларни сотиб олиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қушимча харажатларни махсус ҳисоб-китоб асосида товарлар таннархига ёки бошқа чиқиб кетиш сабаблари бўйича давр харажатларига олиб боришнинг муқобил усулини киритиш бўйича тавсия ишлаб чиқилган; «ялли даромад» ва «ялли фонда» тушунчаларининг фарқли жиҳатлари ҳамда таркибий элементлари очиб берилган ва таъминот ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» маълумотларини очиб бериш мақсадида фойдаланиш учун «Асосий фаолият бўйича молиявий натижалар тафсилоти ишчи жадвали» таклиф қилинган; таъминот ташкилотлари молиявий-ҳужалик фаолияти таҳлилининг услубий жиҳатларини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган.

Монография олий ўқув юртларининг мазкур соҳадаги профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи, магистрантлари ва талабалари учун мўлжалланган. Ундан аграр секторда фаолият юритаётган таъминот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари, аудиторлар, бухгалтер-иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашининг 2022 йил 28 майдаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Илмий муҳаррир: и.ф.д., профессор Р.Д.Дусмуратов

Тақризчилар:

и.ф.д., профессор Н.Б.Абдусаломова
и.ф.н., доцент М.Ю.Рахимов

ISBN: 978-9943-7476-8-5

© Дусмуратов Р. Д., Болтаев А. С.
© «Fan ziyosi» nashriyoti 2022

КИРИШ

*Илмдан бир шугъла дилга тушган он
шунда бизурсанким, илм бепоён.*

Абулқосим Фирдавсий

Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисоби бизнес фаолиятини ўлчаш, кузатиш ва умумлаштириш, молиявий маълумотларни шарҳлаш ва натижаларини раҳбарият ва бошқа манфаатдор томонларга самарали бизнес қарорларини қабул қилишга ёрдам бериш учун етказиш тизими¹ сифатида, таҳлил эса корхона учун бизнес имкониятларини аниқлаш ва яратиш, энг мақбул лойиҳага инвестиция қилиш йўллари аниқлаш ва ниҳоят янги бизнес ва техник ечимларни амалга ошириш учун амалга ошириладиган бизнесни таҳлил қилиш фаолиятини тавсифловчи билим соҳаси² сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил буйича кенг қуламли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил молиявий менежментнинг муҳим бўғинлари сифатида илгари сурилаётган булсада, аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Аграр соҳада жадал иқтисодий ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кучайиши, амалга оширилаётган ислохотлар таъминот ташкилотлари фаолиятини илмий, меъёрий-услубий ва ташкилий жиҳатдан туғри йўлга қўйиш ва мунтазам таҳлил қилиб бориш заруратини кучайтирмоқда. Шунингдек, таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини илмий-услубий

жиҳатдан такомиллаштиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси»³ нинг устувор йўналишларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш зарурати ҳам бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар кўламини анча кенгайтириб, ўз вақтида аниқ ва ишончли ахборотлар олиш эҳтиёжини кўчайтирмоқда. Хусусан, аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, асосий хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш ҳамда молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантиришдаги муаммолар бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сонли Фармони.

Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур монография кириш. 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловаларни ўз ичига олади. Хусусан, унинг «Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида аграр секторда таъминот ташкилотларининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти, таъминот ташкилотларида ҳисоб сисъатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этишнинг хусусиятлари очиб берилган, тегишли таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

«Таъминот ташкилотларида асосий хужалик жараёнлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш» деб номланган монографиянинг иккинчи бобида таъминот жараёни ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш, таъминот ташкилотларида товарлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш, реализация жараёни ва молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

«Таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили ва уни ривожлантириш» номли монографиянинг учинчи боби эса олиб борилган тадқиқотлар асосида товар айланмаси таҳлилининг ташкилий ва услубий жиҳатларини ривожлантириш, таъминот ташкилотларида сотиш харажатлари таҳлилинини ривожлантириш, таъминот ташкилотлари молиявий натижалари таҳлили ва уни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Монографиянинг хулоса қисмида олиб борилган тадқиқотлар асосида шакллантирилган илмий хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

Монографияда юқорида келтирилган долзарб масалалар ўз ечимларини топган бўлиб, уларнинг тармоқ амалиётида

қўлланилиши шубҳасиз, иқтисодийни ривожлантириш шароитида таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш, асосий хўжалик жараёнларини тўғри ҳисобга олиш ва молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили асосида хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича оқилона бошқарув қарорлари қабул қилишга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғи билан тасдиқланган 1186-124-сон гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги (2020 йил 28 майда давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган DGU08280-сон гувоҳномаси), «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти (2020 йил 30 июндаги 02-09/432-сон маълумотномаси). Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (2020 йил 02 июлдаги 31-сон маълумотномаси) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Илмий тадқиқот материаллари ва асосий ҳојларидан Тошкент давлат аграр университетида (2020 йил 17 мартдаги 1/19-3-876 сон далолатномаси) “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Молиявий таҳлил” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Монография олий ўқув юр்தларининг мазкур соҳадаги профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи, магистрантлари ва талабалари учун мўлжалланган. Ундан аграр секторда фаолият юритаётган таъминот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахасислари, аудиторлар, бухгалтер-иқтисодчилар ва бошқа мутахасислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу монография камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, унинг мазмуни ва шаклини янада яхшилаш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.

Муаллифлар

I БОБ. ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

*Ҳақиқат қандай бўлса, шундайлигича акс эттириши,
балки яхшидир, аммо ҳақиқатни яратishi яхшироқ.
Жузеппе Верди*

1.1-§. Аграр секторда таъминот ташкилотларининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилийнинг аҳамияти

Республикамызда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»га мувофиқ барча тармоқ ва соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, бу ўзгаришлар аграр соҳада фаолият юритаётган таъминот ташкилотларига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади. Шу боис, аграр секторда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таъминот ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Бу эса, аграр секторда мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритаётган таъминот ташкилоти тушунчасининг моҳияти ва мазмунини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни тақозо этади.

Таъминот ташкилоти деганда бозор муносабатлари талаблари асосида қонунчиликда белгиланган тартибда, товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш мақсадида ташкил этилган мустақил хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Таъминот ташкилотининг мустақил хўжалик юритувчи

субъект деб тан олиними бу давлат томонидан юридик шахс сифатида тан олинган ташкилот бўлиб, алоҳида мулкка эгалик қилади, ўз мулки билан мажбуриятлари бўйича мустақил жавоб беради ҳамда фуқаролик ишларида ўз номидан иштирок этади.

Таъминот ташкилотлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан товарларни тузилган шартномалар асосида белгиланган нархларда сотиб олиб, истеъмолчиларга шартномаларда кўрсатилган миқдорда ва қийматда ўз вақтида етказиб бериш фаолияти билан шуғулланади. Яъни, уларнинг асосий фаолияти тури таъминот фаолияти ҳисобланади.

Мазкур фаолиятнинг моҳияти товарларни сотиб олиш нархидан уларнинг сотиш нархлари фарқ қилиши ва бу фарқ (савдо устамаси) фаолиятни ташкил этиш ва давлат олдигаги барча мажбуриятларини амалга ошириш бўйича харажатларни қоплашдан ташқари фойда келтириши ҳам зарур деган қондага асосланиши лозим.

Таъминот ташкилоти фаолиятининг моҳиятини очиб бериш учун у бажарадиган вазифаларни урганиш лозим:

биринчидан, таъминот ташкилотининг асосий вазифаси товарларни сотиш орқали фойда кўриш ҳисобланади. Бу вазифани бажарилишига асосан икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин:

– товарнинг истеъмол қийматини сотиш, яъни муайян товарни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчига етказиб бериш;

– товарнинг қийматини сотиш, яъни муайян товар истеъмолчи томонидан мавжуд нархда тан олиними.

иккинчидан, товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиларга ўз вақтида, белгиланган миқдорда ўз манзилларига етказилишини таъминлаш. Таъминот ташкилоти бу вазифани бажариш орқали истеъмолчиларга товарларни ўз вақтида етказиб берилишини ҳамда уларнинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятини доимий давомийлигини таъминлайди.

учинчидан, таъминот ташкилоти ўз ҳудуди бўйича реал талабни ўрганадилар ва шу асосда талаб ва таклиф мувозанатини

таъминлайди. Бу вазифа орқали таъминот ташкилоти худуд буйича буюртмаларни туплайди ва товарларнинг аниқ турларини етказиб бериш учун пировард истеъмолчилар билан шартномалар тузадилар. Бу ишлаб чиқарувчилар томонидан товарларни етарли миқдорда ишлаб чиқарилишини, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга имкон яратади. Маълумки, талабни таклифдан ошиши ўз навбатида товар тақчиллигига, нарх ошишига, истеъмолчи асосий ишлаб чиқариш фаолияти давомийлигига салбий таъсир кўрсатади. Талабни таклифдан кам бўлиши товарларнинг истеъмол бозорида сотилмай қолишига, уларнинг туриб қолишига, эскиришига, товар айланишини секинлашувига ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келади. Бундай ҳолат, таъминот ташкилоти молиявий-ҳужалик фаолиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Шу боис, таъминот ташкилоти томонидан истеъмолчилар талабини ўрганиш, ишлаб чиқарувчиларга аниқ таклифларни беришга, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга имкон берувчи шартномаларни тузишга шароит яратади.


тўртинчидан, товар захираларини катта миқдорда махсус жиҳозланган омборхоналарда туплаш ва сақлаш.

бешинчидан, истеъмолчиларга турли хил товарларни танлашга, буюртмаларни тегишли кўринишда, белгиланган вақтда ўз манзилларига етказиб бериш ҳамда мақсадли ва самарали фойдаланишни, шунингдек, уларни сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш буйича ўзларининг касбий ва сервис хизматларини кўрсатиш.

Бугунги кунда аграр секторда фаолият юритаётган таъминот ташкилотлари фермер ҳужаликлари ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ниҳоятда зарур бўлган минерал ўғит, ёқилги мойлаш маҳсулотлари ва техника хизматларини кўрсатмоқда. 2018 йил охирига республикамызда 3040 та таъминот ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 399 таси минерал ўғит сотиш шахобчалари ҳисобланади. Уларнинг вилоятлар кесими буйича жойлашувини қуйидаги 1.1-

расмда кўришимиз мумкин.

1.1-расм маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги йилларда минерал ўғит сотиш шахобчалари сонининг сезиларли даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, минерал ўғит сотиш шахобчалари сони 2015 йилда 183 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 399 та бўлган. Демак, 2018 йилда 2015 йилга нисбатан минерал ўғит сотиш шахобчалари сони 216 (399-183) тага кўлайган. Бу албатта, минерал ўғит сотиш билан шуғулланувчи таъминот ташкилотларни ўртасида рақобат муҳитини ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш имконини яратди.



1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар кесимида минерал ўғитлар сотиш бўйича таъминот ташкилотлари динамикаси⁴

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Энди, ҳудудлар кесимида ташкил этилган минерал ўғит сотиш шахобчалари сонини ўрганадиган бўлсак, 2018 йил маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри (52 та), Хоразм вилояти (82 та), Фарғона вилояти (49 та), Тошкент вилояти (44 та), Сурхондарё вилояти (44 та) ва Наманган вилоят (22 та)лари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Маълумки, мазкур ташкил этилган минерал ўғитлар сотиш шахобчалари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири товар айланмаси ҳажми ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, амалда фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчаларининг товар айланмаси ҳажми ўрганилган даврларда қуйидагича бўлган (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчалари товар айланмаси ҳажми тўғрисида маълумот⁵

Ҳудудлар	Товар айланмаси ҳажми, млн. сўм			
	Йиллар			
	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	1 211 023,1	1 926 796,1	2 508 738,7	3 507 515,8
Қорақолпоғистон Республикаси	107 055,5	118 626,3	126 148,0	154 036,5
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	116 053,9	153 298,8	173 007,1	255 875,3
Бухоро	85 424,0	148 468,4	171 689,4	184 828,3
Жиззах	83 867,6	108 105,7	143 623,6	259 582,0
Қашқадарё	0,3	199 970,7	246 983,0	369 730,2
Навоий	43 052,6	47 582,1	62 811,8	93 661,1
Наманган	99 969,6	162 396,1	249 350,8	412 355,5
Самарқанд	116 350,7	130 518,5	178 021,6	277 537,5
Сурхондарё	142 239,0	171 820,1	216 440,3	266 573,8
Сирдарё	103 107,1	122 499,3	154 053,7	171 744,9
Тошкент	69 571,5	114 399,8	165 981,8	258 422,9
Фарғона	141 326,3	174 090,5	215 369,0	294 779,2
Хоразм	94 563,1	107 940,4	143 463,8	195 032,7
Тошкент ш.	8 441,8	167 079,3	261 794,8	313 355,8

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

1.1-жадвалга кўра Республикамизда фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчалари товар айланмасининг ҳажми 2015 йилда 1211023,1 минг сўмни, 2016 йилда 1926796,1 минг сўмни, 2017 йилда 2508738,7 минг сўмни ва 2018 йилда 3507515,8 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўринадики, минерал ўғит шахобчалари товар айланмасининг ҳажми йилдан-йилга ошиб борган. Биргина, 2018 йилдаги кўрсаткич (3507515,8 минг сўм) билан 2015 йилдаги кўрсаткич (1211023,1 минг сўм) ни таққослаганимизда сезиларли даражада ортганини кўришимиз мумкин. Яъни, 2018 йилда 2015 йилга нисбатан товар айланма ҳажми 2296492,7 (3507515,8 – 1211023,1) минг сўмга кўпайган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Республикамизда фаолият юритаётган минерал ўғит сотиш шахобчалари товар айланмасининг ҳажми 2018 йилда 3507515,8 минг сўмни ташкил этган. Республикамиз ҳудудлари бўйича ўрگانадиган бўлсак, товар айланмасининг ҳажми асосан Наманган вилояти (412 355,5 минг сўм), Қашқадарё вилояти (369 730,2 минг сўм), Тошкент шаҳри (313355,8 минг сўм), Фарғона вилояти (294 779,2 минг сўм) ва Самарқанд вилоят (277 537,5 минг сўм)лари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Умуман олганда, таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, Республикамизда минерал ўғит сотиш шахобчалари сони ва уларнинг товар айланмаси ҳажмида динамик ўсиш кузатилган бўлиб, бу соҳага бозор механизмлари жорий этилаётганлигидан ва рақобат муҳити яратилаётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлашда «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг ҳиссаси юқори ҳисобланади. Шу сабабли, монографик тадқиқот объекти сифатида «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти танлаб олинди.

«Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти ва унинг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ҳамда

туманлараро филиаллари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар куйидаги вазифаларни бажаради:

- кишлок хўжалик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни, шу жумладан, фермер, дехкон ва бошқа кишлок хўжалик маҳсулот етиштирувчиларни шартнома асосида минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари ҳамда кишлок хўжалиги эҳтиёжлари учун бошқа кимёвий маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминлаш;

- минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланишни, шунингдек, уларни сакланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш ва уларни тақсимлаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- фойдаланувчиларга минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш;

- минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини етказиб берувчилар ва уларни кишлок хўжалигидаги истеъмолчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш;

- кишлок хўжалиги учун келтирилаётган минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар сифати устидан назоратни ташкил қилиш.

Афсуски, мазкур вазифалар ижросини таъминлашда жорий бухгалтерия ҳисоби, ички назорат ва таҳлил услубларининг яхлит тизими шаклланмаганлиги белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилмаётганлигига сабаб бўлмоқда. Жумладан, шартномавий муносабатлари устидан мунтазам назорат йулга қўйилмаганлиги, минерал ўғитларни саклаш ҳолати талаб даражасида эмаслиги, кимёвий воситалар, минерал ўғитларни ташиб келтиришда фойдаланадиган техника воситаларининг аксарияти эскирганлиги туфайли чет ташкилот хизматларидан фойдаланиш оқибатида

ташиб - келтириш харажатлари ва бошқа қўшимча харажатлар ошиши сабаб булмоқда. Бу эса, ўз навбатида минерал ўғитлар таннархи ва сотиш баҳосининг қимматлашишига таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «... фермер, деҳқон хўжаликларига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳам ҳақиқат.»⁶ деб таъкидлаб ўтганлар. Мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш учун таъминот ташкилотлари фаолиятини илмий, меъёрий-услубий ва ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш, хусусан, уларда бошқарувнинг муҳим дастакларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда. Бу эса, аграр секторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда таъминот ташкилотларининг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шу сабабли, таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун таъминот ташкилотларида қуйидагилар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- таъминот ташкилотида бошқарув усулларини такомиллаштириш орқали фаолиятни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш;
- молиявий-хўжалик фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини шакллантириш;
- таъминот жараёнининг ҳозирги ҳолатини ўрганган ҳолда уни ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- товарлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш тартибини такомиллаштириш;
- реализация жараёни ва молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолатини ўрганган ҳолда уни такомиллаштириш;

⁶ Ш.М.Мирзиёев "Халқимизнинг розилиги бизнинг фидолигимизга берилган энг одий баҳодир"
"ЎЗБЕКИСТОН" НМИУ, 2018. – 56 б

- таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини ташкил этиш ва уни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш.

Бу албатта, таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил этиш ва юритиш ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларни ишончли маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини тўғри ташкил этиш орқали унинг молиявий аҳволи тўғрисида аниқ хулосалар шакллантириш ва шу асосда оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш имкониятини яратади.

1.2-§. Таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бозор муносабатлари шароитида таъминот ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш, юритиш ва самарали бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган концептуал қоидаларга асосланиб, операция фаолиятнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Монографик тадқиқотлар шунини кўрсатадики, таъминот ташкилотлари томонидан «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)да белгиланган умумий қоидалар асосида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Бироқ, уларнинг норматив ва ташкилий-услубий таъминоти бугунги кун талабларига тулиқ жавоб бермайди. Чунки, биринчидан, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда хўжалик операцияларини ақс эттириш, уларни ўлчаш ва очиқ бериш тартиби батафсил баён қилинмаган. Бу эса, ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати мантиқан изчил

шакллантирилмаганлигини кўрсатади, ҳамда у фойдаланувчилар эҳтиёжини тулиқ қаноатлантирмайди ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиқ даражасининг пасайишига олиб келади. Иккинчидан, кўп ҳолларда ҳисоб сиёсати таркиби асосан бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўйича 1-сон БҲМСда белгиланган қондаларни кўчириб қўйиш билангина чегараланиб қолинмоқда. Бу албатта, ҳисоб сиёсатини шакллантиришга қўйилган талабларга зид бўлиши билан бирга, унинг бошқарув функцияси сифатидаги аҳамиятини пасайтиради.

Фикримизча, таъминот ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсати мантиқан изчил бўлиши ва молиявий-хўжалиқ фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозим. Бу ўз навбатида, таъминот ташкилотининг самарали фаолият кўрсатишига ва молиявий-хўжалиқ фаолиятининг яхшиланишига хизмат қилади. Шу сабабли, таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш учун жавобгарлик ташкилот раҳбарига юклатилганлиги боис, у дастлаб ҳисоб сиёсати ўзи нима эканлиги, унинг зарурати, таркибий тузилиши ва шакллантириш тартиби тўғрисида етарли билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарлари шарҳи шуни кўрсатадики, уларда ҳисоб сиёсати тушунчасига умумий негизга асосланган ҳолда турлича таърифланган. Жумладан, 1-сон БҲМСда «Ҳисоб сиёсати деганда хўжалиқ юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йигмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қондалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади»⁷ деб таъриф берилган. Хусусан, мазкур БҲМСда «Ҳисоб сиёсати хўжалиқ юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун

⁷ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1-сонли БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» <https://lex.uz/acts/828581>

фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди»⁸ деб баён қилинган. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан ушбу БҲМС асосида шакллантирилиб, молиявий-хўжалик фаолиятининг турли йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботида келтириладиган молиявий кўрсаткичлар бир-бирига қиёсланадиган ҳамда бошқа алоқадор БҲМСлар қоидаларини ҳам акс эттирган бўлиши лозим.

Иқтисодчи олимлар А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловларнинг таърифига кўра: «Ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади»⁹. Уларнинг таъкидлашича: «Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди»¹⁰.

Соҳа мутахассиси Ж.Э.Қурбонбоев эса «Корхона ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шартлар ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси»¹¹ деб таъкидлайди.

Иқтисодчи олимлар А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Қўзиёв ва Н.Ризаевлар томонидан «Ҳисоб юритиш сиёсати – бу хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шаклларидан корхона танлаб олган ва эълон қилган бухгалтерия ҳисобининг

⁸ Шу ерда

⁹ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. – 74 б.

¹⁰ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. – 74 б.

¹¹ Қурбонбоев Ж.Э. Қўзиёв И. Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. – 74 б.

усуллари ва шаклларининг йигиндисидир»¹² деб таърифланган. Мазкур таърифда бухгалтерия ҳисобининг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда руҳсат этилган муқобил усуллари шаклларида қорхона ўзига мақбулини танлаб олиши ва уларни эълон қилиши таъкидланади.

Иқтисодчи олимлар Р.Д.Дусмуратов ва Б.М.Джураевлар томонидан ҳисоб сиёсати тушунчаси назарий таҳлил қилиниб, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда унинг элементлари узвий ва изчил бўлиши ҳамда улар орасида доимий сабаб-оқибатли алоқадорлик бўлишини инobatга олган ҳолда таъриф берилган. Уларнинг таъкидлашича, «Ҳисоб сиёсати – ҳўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни тузишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган муқобил вариантларидан мақбули танланиб, шакллантирилган, ўзаро узвий алоқадор тамойиллар, талаблар, шакллар, усуллар ва воситалар тизимидан иборат ички тартибга солувчи ҳужжат»¹³ ҳисобланади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иқтисодчи олимларининг, жумладан россиялик олим В.П.Астахов фикрига кўра «Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш усулларининг тартиботи бўлиб, устав ва бошқача фаолиятнинг иқтисодий ходисалар фактини дастлабки кузатиш (ҳужжатлаштириш ва инвентаризация), қиймат ўлчовида ифодалаш (баҳолаш ва калькуляция), жорий гуруҳлаш (счётлар ва икки ёқлама ёзув) ва якуний умумлаштириш (баланслаштириш ва ҳисобот) дан иборат»¹⁴. Мазкур таърифда россиялик олим бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш унинг методининг элементлари тафсилоти билан чегараланиб қолган.

Н.П.Любушин, В.В.Жаринов ва Н.В.Бородиналарнинг ёзишича, «Ҳисоб сиёсати – бу қорхона томонидан унинг ҳўжалик

¹² Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв Н., Ризасев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. / Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. – 4 б.

¹³ Дусмуратов Р.Д., Джураев Б.М. Қўшма ҳўжалик қорхоналарида ҳисоб сиёсати услубий ва таъқиқий-техник ҳужжатлари. – Т.: 2016. – 16 б.

¹⁴ Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета. – Ростов н/Дон: Издательский центр «МарТ», 2002. – 41 б.

юритиш шароитларига мос равишда танланган, бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуи, яъни бу корхона хўжалик фаолияти фактларини дастлабки кузатиш, қиймат ўлчови, жорий гуруҳлаш ва умумлаштириш ёки бухгалтерия ҳисоби методини амалга ошириш тартиби»¹⁵ ҳисобланади.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида ҳисоб сиёсати тушунчасига ёндашувларини эътиборга лойиқлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу тушунчага қуйидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган умумий қоидалардан хўжалик юритувчи субъект ўзи учун аҳамиятли бўлган, субъект раҳбари томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва усуллари мажмуаси».

Ҳисоб сиёсати тушунчаси юқорида шарҳланган манбалардаги таърифлардан бизнинг ёндашувимиз икки жиҳати бўйича фарқ қилади. *Биринчидан*, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда умумий қоидалар белгиланган. Яъни юқоридаги иқтисодчи олимларнинг таърифида келтирилган принциплар, шартлар, талаблар, шакллар, усуллар ва қоидалар умумий қоидалар сифатида берилган. *Иккинчидан*, хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган умумий қоидалардан ўзи учун аҳамиятли бўлган шакл ва усуллари танлаб олиши лозим. Масалан, «Товар-моддий захиралар» номли 4-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)да корхонанинг транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга қабул қилиш, товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш ҳамда уларнинг қолдиқлари ва чиқиб кетаётган товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш усуллари берилган бўлиб, ташкилот ўзининг фаолият хусусиятидан келиб

¹⁵ Лбушан Н.П., Жарноа В.В., Бородин Н.В. Теория бухгалтерского учета. Учеб. пособие для вузов / под ред. проф. Н.П. Лбушана – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 198 с.

чиққан ҳолда қўлланиладиган бирор бир мақбул усулни ўзининг ҳисоб сиёсатида акс эттириши лозим.

Шунингдек, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда унинг таркибий тузилмаси буйнча ҳам иқтисодчи олимларнинг қарашларида турлича ёндашувларни кузатиш мумкин (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилмасига ёндашувлар¹⁶

Майба	Ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилмаси				
Р.Д. Дусмуратов [51. 377 б]	1. Умумий қондалар	-	-	2. Бухгалтерия ҳисоби услуби	3. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
А.К. Ибрагимов ва бошқалар [55. 9 б]	-	1. Ташкилий масалалар	-	2. Услубий масалалар	3. Солиққа оид масалалар
К.Б. Ҳразов [79. 155 б]	1. Умумий тартиблар	2. Ташкилий – техник тартиблар	-	3. Услубий тартиблар	-
Р.Д. Дусмуратов, Б.М. Джурасв [36. 18 б]	1. Умумий қондалар	2. Ташкилий масалалар	3. Техник таъминот	4. Услубий таъминот	5. Солиққа оид масалалар
Ж.Э. Қурбонбосв [88. 11 б]	-	1. Услубий томонлари	2. Ташкилий томонлари	3. Техник томонлари	-

Монографик тадқиқотлар олиб борилган Тошкент вилояти «Агрокимёхимоя» акциядорлик жамияти (АЖ)нинг ҳисоб сиёсати қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган.

1. Умумий қондалар;
2. Ҳисоб юритиш методлари;
3. Ҳисоб юритиш техникаси (усуллари);
4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;
5. Ички ҳисоб ва назорат;
6. Ҳисоб сиёсатига узгартириш киритиш;
7. Ҳисоб сиёсатини бузганлик учун жавобгарлик.

Фикримизча, Тошкент вилояти «Агрокимёхимоя» АЖнинг ҳисоб сиёсатида таркибий қисм сифатида берилган «4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш» ва «5. Ички ҳисоб ва назорат» қисмларни бирлаштирган ҳолда «Ташкилий масалалар»

¹⁶ Майбаларни қисқисий таҳлил юритиш воситида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

сифатида, «б. Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш» ва «7. Ҳисоб сиёсатини бузганлик учун жавобгарлик» қисмларини эса бирлаштирган ҳолда «Якуний қоидалар» сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ҳисоб сиёсатида солиққа тортиш масалалари белгиланмаган. Бугунги кунда Тошкент вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖ йирик солиқ тўловчи сифатида бир нечта солиқ (қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ) турларини тўловчиси ҳисобланади. Шу боис, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш ва назорат қилиш тартиблари ҳисоб сиёсатида ўз аксини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

Ҳисоб сиёсатининг таркибий тузулмаси бўйича иқтисодчи олимларнинг тавсияларини ва тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖда ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатини қиёсий таҳлилидан келиб чиқиб, фикримизча таъминот ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида қуйидаги масалалар ўз аксини топиши лозим (1.3-жадвал).

Ҳисоб сиёсатининг таклиф этилаётган мазкур таркибий тузилишини ҳар бир таъминот ташкилоти ўзининг молиявий-ҳужалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда шакллантириши мумкин. Чунки, ушбу таклиф этилган таркибий тузилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш қоидалари асосида ишлаб чиқилган. Таъминот ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати ҳам ташкилотнинг ички тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳисоб сиёсати ҳисоб объектлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ҳисоб объектларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби қай даражада очиқ берилганлиги ўрганилди.

**Таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг таркибий
тузилиши (тақлиф)¹⁷**

Бўлим номи	Таркиби
1. Умумий қондалар	Ҳисоб сиёсатининг мақсади, қўлланилиш даври, фойдаланувчилар, эълон қилиниши ва махфийлик даражаси, ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва асосий принциплари акс эттирилади
2. Ташкилий масалалар	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ички назорат тизими, бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарига қўйилган малакавий талаблар, вазифалар, ҳуқуқлар ва жавобгарлик акс эттирилади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби хизмати тузилмаси ва ходимларининг хизмат вазифалари тақсимоли ҳамда инвентаризация ўтказиш тартиби баён этилади
3. Техник таъминот масалалари	Қўлланиладиган бошланғич ҳужжатлар шакллари, ички ҳисоботлар (тартиби, шакллари, даврийлиги, тузиш ва тақдим қилиш муддатлари, фойдаланувчилар), ҳужжатлар айланмиш қондалари ва режа графиги, бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб регистрлари, ишчи счётлар режаси ҳамда бухгалтерия ҳисоби дастурий таъминоти ва уни юритиш тартиблари кўрсатилади
4. Услубий масалалар	Бухгалтерия ҳисоби объеклари (узқ муддатли активлар, жорий активлар, ўз маблағлари манбалари, мажбуриятлар, даромадлар ва ҳаражатлар)ни таркиби, тан олинмиши, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари, амортизация ҳисоблаш тартиби, уларни молиявий-ҳўжалик фаолиятидаги ҳаракати ҳисобида акс эттириш тартиби баён этилади
5. Солиққа тортиш масалалари	Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш, солиқ ҳаражатларини ҳисобда акс эттириш, солиқ тўловларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган счётлар, солиқ ҳисоботлари ва уларни тақдим этиш ҳамда тулаш тартиблари акс эттирилади
6. Яқуний қондалар	Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш тартиби ҳамда унда белгиланган қондаларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари кўрсатилади

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти «Агрокимёхимоя» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ҳисоб объектарини умумий асосларда ҳисобга олиш тартиби белгиланиб, ҳисобга олиш қондалари унинг таркибий тузилиши бўйича аралаш тартибда кўрсатиб ўтилган. Масалан, товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича «Ҳисоб юритиш методлари» қисмида қуйидаги қондалар белгиланган:

¹⁷ Манбаларни қиссий таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

«2.7. Жамият ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилаётган моддий ресурсларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мақсадида материалларни баҳолашнинг материалларни харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича, келиб тушиш вақти бўйича биринчи туркумларнинг таннархи бўйича (ФИФО) баҳоланади.

2.8. Қайта сотиш, реализация қилиш учун харид қилинган товарлар сотиб олиш (харид) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

2.9. Жамиятда ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва молиявий натижаларни шакллантириш учун меъёрий усулдан фойдаланилади.

2.10. Тайёр маҳсулот балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади»¹⁸.

Фикримизча, жамиятнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган қоидалар фойдаланувчиларни товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтерия ахбороти билан тўлиқ таъминламайди. Шу боис, бухгалтерия ҳисоби объектларини, жумладан товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартибининг ҳисоб сиёсатининг «Услугий масалалар» қисмида куйидаги тартибда очиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Товар-моддий захиралар (ТМЗ):

- товар-моддий захиралар таърифи;
- ТМЗ таркиби;
- ТМЗни ҳисобга олишнинг норматив-ҳуқуқий асослари.

1. Материалларни ҳисобга олиш тартиби:

- материаллар таркиби;
- материалларни тан олиш ва баҳолаш тартиби;
- материаллар киримини ҳисобга олиш;
- материалларнинг молиявий-ҳужалик фаолиятдаги ҳаракати ҳисоби;
- материаллар чиқимини ҳисобга олиш;
- материаллар ҳаракати билан боғлиқ ҳужалик

¹⁸ Тошкент вилояти "Агроқимёкормов" акциядорлик жамияти (АЖ)нинг ҳисоб сиёсати

операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби:

№	Хужалик операцияси мазмуни	Счётлар боғланиши		Асос бўлувчи хужжат	Масъул шахс	Муддати
		Дебет	Кредит			
1						

2. Товарларни ҳисобга олиш тартиби:

- товарлар таркиби;
- товарларни тан олиш ва баҳолаш тартиби;
- товарлар киримини ҳисобга олиш;
- товарларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати ҳисоби;
- товарлар чиқимини ҳисобга олиш;
- товарларни харид қилиш ва тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни ҳисобга олиш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартиби;
- товарлар ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби:

№	Хужалик операцияси мазмуни	Счётлар боғланиши		Асос бўлувчи хужжат	Масъул шахс	Муддати
		Дебет	Кредит			
1						

Шунингдек, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг техник таъминотида ишчи счётлар режаси муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти «Агрокимёхимоя» АЖ ҳисоб сиёсатида «Ҳисоб юритиш техникаси (усуллари)» қисмида «3.2. Жамият мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари ҳисобини бухгалтерия ҳисоби счётларининг ишчи режасига мувофиқ иккиёқлама ёзув усули билан юритади» деб белгиланган. Лекин, ҳисоб сиёсатига

ишлаб чиқилган ишчи счётлар режаси илова қилинмаган. Шу бонс, Тошкент вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖ таъминот ташкилоти ҳисобланганлиги ва асосий фаолият тури таъминот фаолияти эканлигини ҳисобга олган ҳолда «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сонли БҲМС асосида унинг фаолият хусусиятига мос намунавий ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилди (1-илова).

Фикримизча, таъминот ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида ҳисоб объектлари бухгалтерия ҳисоби тартиби юқоридаги каби ёритиб берилиши, ундан фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли, ишончли, тушунарли ва содда бўлишини ҳамда айнан шундай фаолият юритувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини таъминлайди.

Шундай қилиб, таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда юқоридаги таклифларнинг инobatга оlinиши қуйидагиларга имкон яратади:

- ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва молиявий-хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олиш таъминланади;

- ҳар бир таркибий қисмда бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисобга олиш тартиби кўрсатиб берилади. Бу эса, ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

- таъминот ташкилотлари тузилиши ва фаолият хусусиятларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби усулларини амалга ошириш механизмларини ўрнатиш имконини беради;

- таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш тартиби яхшиланади. Натижада фойдаланувчилар ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминланади.

1.3-§. Таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этишнинг хусусиятлари

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият юритиши оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо этади. Бунинг учун субъект раҳбарияти ички ва ташқи ахборотлардан унумли фойдаланишлари лозим. Бу эса, улардан хўжалик субъектининг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини тўлиқ таҳлил қилиб ўрганишни ва шу асосда керакли ахборотларни шакллантиришни талаб этади. Чунки, таҳлил натижалари асосий хўжалик жараёнларини бошқариш, талаб ва таклифни ўрганиш, пул муомаласи, рақобат муҳитига мослашиш борасида асосли хулосаларни шакллантириш, мавжуд ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш борасида тегишли қарорларни қабул қилиш имконини беради. Бошқарув буйича тўғри қарор қабул қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунда молиявий таҳлилни ташкил этиш борасида расмий тартиб-қоидалар белгиланмаган. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ҳамда юритиш учун белгиланган барча қоидалар таҳлил учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ўз навбатида мазкур тартиб хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлилни ташкил этишда ҳам асос бўлиб хизмат қилади дейиш мумкин.

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиб ўрганишда норматив асос бўлувчи расмий бўлган амалдаги қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни айтиб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни;

- бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС);

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС);

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитасининг «Корхоналарнинг молиявий иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари кредит сиёсатиغا нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом;

- ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати.

Одатда кўпгина ҳолларда юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга асосланган тартибда ваколатли давлат органлари, тижорат банклари, аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан ҳужалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилишда қўйидаги кўрсаткичлар ўрганилади ва уларнинг ҳолатига баҳо берилади:

- ҳужалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини инфодаловчи муҳим кўрсаткичларни баҳолаш;

- ҳужалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночорлигини баҳолаш;

- ҳужалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш;

- ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш.

Шунингдек, ҳужалик юритувчи субъект раҳбари бошчилигида ҳужалик ходимлари томонидан ҳам молиявий

таҳлил ўтказилади. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъект ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда молиявий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ўзлари мустақил белгилайди. Бунда ўрганиладиган масалалар қўлами кенг бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий ҳолат таҳлили;
- молиявий натижалар таҳлили;
- рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили;
- молиявий барқарорлик таҳлили;
- тўлов қобилияти ва ликвидлиги таҳлили;
- пул оқимлари таҳлили;
- хусусий капитал таҳлили;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили;
- инвестицион фаолият таҳлили
- солиқ тўловлари таҳлили ва ҳ.к.

Шу нуқтаи назардан, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлилни ташкил этиш шаклига кўра ички молиявий таҳлил ва ташқи молиявий таҳлил сифатида таркибланиш мумкин.

Ички молиявий таҳлил хўжалик юритувчи субъект ходимлари томонидан ўтказилиб, ўрганиладиган масалалар ва фойдаланиладиган ахборот базасининг қўлами кенглиги билан ташқи молиявий таҳлилдан фарқланади. Чунки, унинг ахборот базасига тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларидан ташқари молиявий ҳисобнинг барча манбаларини киритиш мумкин. Шу билан бирга, унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини келтириш мумкин:

- ички молиявий таҳлил мақсади ва вазифалари ички талабларга мувофиқ белгиланганлиги;
- оқилона бошқарув қарорларини тайёрлаш борасида таҳлилни ўтказиш имкониятининг кенглиги;
- хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти талабларидан келиб чиққан ҳолда аналитик ишни ташкил этиш;
- маълумотларни қайта ишлаш имкониятларининг юқорилиги;

- молиявий таҳлил натижалари асосида белгиланган чоратadbирлар ижросини назорат қилиш имконининг мавжудлиги.

Ички молиявий таҳлилдан фарқли равишда ташқи молиявий таҳлил ваколатли давлат органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилади. Ташқи молиявий таҳлил фақат молиявий ҳисобот маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини урганишни тавсифлайди. Яъни, хўжалик субъектининг активлари, ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларининг ўзгаришига, молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва рентабеллик даражасига, пул маблағлари ҳаракати ва хусусий капиталнинг ўзгаришига, молиявий ва иқтисодий салоҳиятини аниқлашга қаратилади. Унинг аҳамиятли жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ахборотдан фойдаланувчилар ва таҳлил ўтказиш субъектларининг кўплиги;

- таҳлил қилиб ўрганувчи субъектлар мақсадининг турлитуманлиги;

- таҳлил фақат тасдиқланган молиявий ҳисобот шакллари маълумотларига асосланиши сабабли, урганиладиган масалаларнинг чегараланганлиги;

- ахборотдан фойдаланувчилар учун таҳлил натижаларидан фойдаланишнинг очиқлиги.

Умуман хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлилни ташкил этиш тартиб ва қоидалари иқтисодий адабиётларда келтириб ўтилган. Жумладан, иқтисодчи олимлар М.Ю.Рахимов ва Н.Н.Каландароваларнинг таъкидлашича «Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил этишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан 3 та босқичи таркибланади: таҳлилнинг мақсадини ва уни реализация қилиш тартибини белгилаш; таҳлилда фойдаланиладиган ахборотлар сифатини баҳолаш, ишончли ахборотлар базасини шакллантириш; таҳлил усуллари (методлари)ни аниқлаш, таҳлилни ўтказиш ва олинган

натижаларни умумлаштириш»¹⁹.

Мазкур молиявий таҳлилни ташкил этиш босқичлари иктисодчи олим М.Қ.Пардаев томонидан ҳам қуйидагича ифода этилган:

«- таҳлил мақсадини аниқлаш ва унга ёндашиш йўлларини белгилаш босқичи;

- таҳлил учун тақдим қилинадиган ахборотлар сифатига баҳо бериш босқичи;

- таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда таҳлил ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш босқичи»²⁰.

Иқтисодчи олим Э.А.Ақромов томонидан эса молиявий таҳлилни тайёрлаш ва ўтказиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олиши кўрсатиб ўтилган:

«- молиявий таҳлилни ўтказишнинг ишчи дастурини тузиш. Дастурда таҳлилнинг мақсади ва вазифалари аниқланади;

- таҳлилни ўтказувчиларнинг таркибини аниқлаш, яъни таҳлил қилувчиларнинг рўйхатини тузиш;

- таҳлил учун фойдаланиладиган иқтисодий маълумотларни туплаш;

- молиявий таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаш;

- молиявий таҳлил кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини аниқлаш;

- таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни умумлаштириш;

- таҳлил яқунларини жадваллар ва чизмаларда шакллантириш;

- молиявий таҳлил натижасида хотима тайёрлаб, унда таҳлил яқунлари бўйича хулосалар чиқариб, келгусида корхонанинг молиявий ҳолатини кутаришга бағишланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий таҳлил яқунларини махсус йиғилишда муҳокама

¹⁹ М.Ю.Раҳмонов, Н.Н.Каландарова Молиявий таҳлил. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. -104 б.

²⁰ М.Қ.Пардаев Молиявий таҳлил. – Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси», 1999. -11 б.

ИЛОВАЛАР

1-илова

«Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти учун НАМУНАВИЙ ИШЧИ СЌЁТЛАР РЕЖАСИ

СЌётлар т/р	СЌётлар номи	СЌётлар тури
1 ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
1 БУЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
0100	АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЌЁТЛАР	A
0112	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0180	Қўп йиллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
0200	АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИИ ЭЪКИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЌЁТЛАР	КА
0212	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эъкириши	
0220	Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эъкириши	
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эъкириши	
0240	Мебель ва офис жиҳозларининг эъкириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эъкириши	
0260	Транспорт воситаларининг эъкириши	
0280	Қўп йиллик ўсимликларнинг эъкириши	
0290	Бошқа асосий воситаларининг эъкириши	
0299	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эъкириши	
0300	МОЛИЯВИЙ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЌЁТЛАР	A
0310	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
0400	НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЌЁТЛАР	A
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	
0490	Бошқа номоддий активлар	
0500	НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЌЁТЛАР	КА
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси	

0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси	
0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси	
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси	
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси	
0600	УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
0610	Қимматли қогозлар	
0620	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Чет эл капитали мавжуд булган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
0800	КАПИТАЛ ҚУЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	
0830	Номоддий активларни харид қилиш	
0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга қалитгал қуйилмалар	
0890	Бошқа капитал қуйилмалар	
0900	УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ВА КЕЧИҚТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
0920	Молиявий ижара бўйича олинмадиган туловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	
0950	Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фонда солиғи	
0960	Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
II ҚИСМ. ЖОРИИ АКТИВЛАР		
II БУЛИМ. ТОВАР-МОЛДИИ ЗАХИРАЛАР		
1000	МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
1010	<i>Хом ашё ва материаллар</i>	
1011	<i>Хом ашё ва материаллар (маҳаллий)</i>	
1012	<i>Хом ашё ва материаллар (импорт)</i>	
1020	Сотиб олинган ярим ташер маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ўқилгилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишбоп материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвестор ва хўжалик жиҳозлари	
1090	Бошқа материаллар	
1500	МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
1510	<i>Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш</i>	
1511	<i>Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш (маҳаллий)</i>	
1512	<i>Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш (импорт)</i>	
1520	<i>Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш</i>	

1521	Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш (маҳаллий)	
1522	Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш (импорт)	
1600	МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
2000	АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
2100	ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
2300	ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
2500	УМУМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2510	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	
2600	ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЯРОКСИЗ МАХСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар	
2900	ТОВАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
2910	Омбордаги товарлар (улгуржи)	
2911	Омбордаги товарлар (маҳаллий)	
2912	Омбордаги товарлар (импорт)	
2920	Омбордаги товарлар (чакана)	
2930	Кўرғазмадаги товарлар	
2950	Товарлар билан банд ва бўш идишлар	
2960	Комиссияга берилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2971	Йўлдаги товарлар (маҳаллий)	
2972	Йўлдаги товарлар (импорт)	
2990	Бошқа товарлар	
III БЎЛИМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА КЕЧИҚТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР - ЖОРИЙ ҚИСМИ		
3100	КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
3110	Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақи	
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	
3200	КЕЧИҚТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР	A
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиқтирилган фойда солиғи	
3220	Дисконт (четирма)лар бўйича кечиқтирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечиқтирилган харажатлар	
IV БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН СЇЁТЛАР - ЖОРИЙ ҚИСМИ		
4000	ОЛИНАДИГАН СЇЁТЛАР	A
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сўётлар	
4011	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сўётлар (юридик шахс - резидент)	
4012	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сўётлар (юридик	

	<i>шахс - норезидент)</i>	
4013	<i>Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар (жисмоний шахс)</i>	
4020	<i>Олинган векселлар</i>	
4100	АЖРАТИЛГАН БУЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР	А
4110	<i>Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар</i>	
4120	<i>Шуъба ва қарам ҳужалик жамиятларидан олинадиган счётлар</i>	
4200	ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БУНАКЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
4210	<i>Меҳнат ҳақи бўйича берилган бунақлар</i>	
4220	<i>Хизмат сафарларига берилган бунақлар</i>	
4221	<i>Хизмат сафарларига берилган бунақлар (миллий валютада)</i>	
4222	<i>Хизмат сафарларига берилган бунақлар (хорижий валютада)</i>	
4230	<i>Умумҳужалик харажатлари учун берилган бунақлар</i>	
4290	<i>Ходимларга берилган бошқа бунақлар</i>	
4300	МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БУНАКЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
4310	<i>ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар</i>	
4311	<i>ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар (миллий валютада)</i>	
4312	<i>ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар (хорижий валютада)</i>	
4320	<i>Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар</i>	
4321	<i>Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар (миллий валютада)</i>	
4322	<i>Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар (хорижий валютада)</i>	
4330	<i>Бошқа берилган бунақлар</i>	
4400	БЮДЖЕТГА БУНАК ТУЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
4410	<i>Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунақ тўловлари (турлари бўйича)</i>	
4411	<i>КҚС бўйича бунақ тўловлари</i>	
4412	<i>Фонда солири бўйича бунақ тўловлари</i>	
4413	<i>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бунақ тўловлари</i>	
4414	<i>Мол-мулк солиғи бўйича бунақ тўловлари</i>	
4415	<i>Ер солиғи бўйича бунақ тўловлари</i>	
4500	МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМГАРМАЛАРИГА ВА СУГУРТАЛАР БҮЙИЧА БУНАК ТУЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
4510	<i>Сугурталар бўйича бунақ тўловлари</i>	
4520	<i>Мақсадли давлат жамгармаларига бунақ тўловлари</i>	
4521	<i>Мақсадли давлат жамгармаларига бунақ тўловлари (ижтимоий солиқ)</i>	

4522	<i>Мақсадли давлат жамғармаларига бунак тўловлари (ШЖБЛАР)</i>	
4600	УСТАВ КАПИТАЛИГА ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ УЛУШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
4610	<i>Устав капиталига таъсисчиларнинг улшлари буйича қарзи</i>	
4700	ХОДИМЛАРИНИНГ БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
4710	<i>Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзи</i>	
4720	<i>Берилган қарзлар буйича ходимларнинг қарзи</i>	
4730	<i>Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзи</i>	
4790	<i>Ходимларнинг бошқа қарзлари</i>	
4800	ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
4810	<i>Молиявий ижара буйича олинадиган тўловлар - жорий қисм</i>	
4820	<i>Оператив ижара буйича олинадиган тўловлар</i>	
4830	<i>Олинадиган фондлар</i>	
4840	<i>Олинадиган дивидендлар</i>	
4850	<i>Олинадиган роялти</i>	
4860	<i>Давволар буйича олинадиган сѐтлар</i>	
4861	<i>Давволар буйича олинадиган сѐтлар (юридик шахслардан)</i>	
4862	<i>Давволар буйича олинадиган сѐтлар (жисмоний шахслардан)</i>	
4890	<i>Бошқа дебиторлар қарзлари</i>	
4900	ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	КА
4910	<i>Даргумон қарзлар буйича резерв</i>	
V БЎЛИМ. ПУЛ МАБЛАГЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
5000	КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
5010	<i>Миллий валютатадаги пул маблаглари</i>	
5020	<i>Чет эл валютасидаги пул маблаглари</i>	
5100	ҲИСОБ-КИТОБ СЇЕТИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
5110	<i>Ҳисоб-китоб сѐти</i>	
5200	ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
5210	<i>Мамлакат ичидаги валюта сѐтлари</i>	
5220	<i>Чет элдаги валюта сѐтлари</i>	
5500	БАНКДАГИ МАХСУС СЇЕТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A
5510	<i>Аккредитивлар</i>	
5530	<i>Бошқа махсус сѐтлар</i>	
5531	<i>Бошқа махсус сѐтлар (иш ҳақи – пластик картага)</i>	
5532	<i>Бошқа махсус сѐтлар (корпоратив карта)</i>	
5533	<i>Бошқа махсус сѐтлар (товарларни импорт қилиш буйича)</i>	
5534	<i>Бошқа махсус сѐтлар</i>	
5600	ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	A

5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5700	ИУЛДАГИ ПУЛ МАБЛАГ (УТКАЗМА)ЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	A
5710	<i>Иулдаги пул маблағ (утказма)лари</i>	
5711	<i>Иулдаги пул маблағ (утказма)лари (миллий валютада)</i>	
5712	<i>Иулдаги пул маблағ (утказма)лари (хорижий валютада)</i>	
5800	КИСКА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	A
5810	Қимматли коғазлар	
5830	Берилган киска муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
5900	КАМОМАДЛАР ВА ҚИММАТЛИКЛАРИНИИ БУЗИЛИШИДАН ЙЎҚОТИШЛАР ВА БОШҚА ЖОРИИ АКТИВЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	A
5910	Қамомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	
III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР		
VI БУЛИМ. ЖОРИИ МАЖБУРИЯТЛАР		
6000	МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТУЛАНДИГАН СЧЁТЛАР	П
6010	<i>Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар</i>	
6011	<i>Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар (миллий валютада)</i>	
6012	<i>Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар (хорижий валютада)</i>	
6100	АЖРАТИЛГАН БУЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТУЛАНДИГАН СЧЁТЛАР	П
6110	Ажратилган бўлинмаларга туланадиган счётлар	
6120	Шуъба ва қарам хужалик жамиятларига туланадиган счётлар	
6200	КЕЧИҚТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	П
6210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6230	Бошқа кечиктирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	
6250	Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар	
6290	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар	
6300	ОЛИНГАН БУНАКЛАРИНИИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	П
6310	<i>Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар</i>	
6311	<i>Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар (миллий валютада)</i>	
6312	<i>Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар (хорижий валютада)</i>	

6320	Аксияга обуначилардан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
6400	БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6410	<i>Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)</i>	
6411	<i>ҚҚС бўйича тўловлар</i>	
6412	<i>Фойда солиғи бўйича тўловлар</i>	
6413	<i>Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи бўйича тўловлар</i>	
6414	<i>Мол-мулк солиғи бўйича тўловлар</i>	
6415	<i>Ер солиғи бўйича тўловлар</i>	
6500	СУГУРТА ВА МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМГАРМАЛАРИГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6510	Сугурта бўйича тўловлар	
6520	<i>Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар</i>	
6521	<i>Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (ижтимоий солиқ)</i>	
6522	<i>Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (ШЖБПХР)</i>	
6600	ТАЪСИСЧИЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чикиб кетастган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз	
6630	Устав капиталини қупайтириш бўйича муассисларнинг улушлари	
6700	МЕХНАТ ҲАКИ БЎЙИЧА ХОДИМ БИЛАН ХИСОБЛАШИШЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6710	Мехнат ҳаки бўйича ходим билан ҳисоблашишлар	
6720	Депонентланган иш ҳаки	
6800	ҚИСКА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6810	<i>Қисқа муддатли банк кредитлари</i>	
6811	<i>Қисқа муддатли банк кредитлари (миллий валютада)</i>	
6812	<i>Қисқа муддатли банк кредитлари (хорижий валютада)</i>	
6820	<i>Қисқа муддатли қарзлар</i>	
6821	<i>Қисқа муддатли қарзлар (миллий валютада)</i>	
6822	<i>Қисқа муддатли қарзлар (хорижий валютада)</i>	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6900	ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЇТЛАР	П
6910	Тўланадиган оператив ижара	
6920	Ҳисобланган фондлар	
6930	Роялти бўйича қарз	
6940	Кафолатлар бўйича қарз	
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми	
6960	<i>Давьолар бўйича тўланадиган счётлар</i>	
6961	<i>Давьолар бўйича тўланадиган счётлар (юримдик шахслар)</i>	
6962	<i>Давьолар бўйича тўланадиган счётлар (жисмоний шахслар)</i>	
6970	<i>Ҳисобдор шахсларга буган қарз</i>	

6971	Ҳисобдор шахсларга булган қарз (миллий валютада)	
6972	Ҳисобдор шахсларга булган қарз (хорижий валютада)	
6990	Бошқа мажбуриятлар	
6991	Бошқа мажбуриятлар (импорт буйича боғжона тўловлари)	
6992	Бошқа мажбуриятлар (қасаба уюшмасига аъзолик бадаллари)	
6993	Бошқа мажбуриятлар (Турли корхона ва шахслардан ҳар хил хизматлар қабули)	
6994	Бошқа мажбуриятлар	
ҲИ БУЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР		
7000	МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТўЛАНДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СЇЕТЛАР	П
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сїётлар	
7011	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сїётлар (миллий валютада)	
7012	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сїётлар (хорижий валютада)	
7100	АЖРАТИЛГАН БУЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА БУЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ	П
7110	Ажратилган булинмаларга булган узоқ муддатли қарз	
7120	Шуъба ва қарам хужалик жамиятларига булган узоқ муддатли қарз	
7200	КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	П
7210	Дисконт (чегирма)лар куринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7220	Мукофот (устама)лар куринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7230	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7240	Солнқлар ва бошқа мажбурий туловлар буйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтинчалик фарқлар буйича кечиктирилган фойда солиғи буйича узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7300	ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БУНАҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	П
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар	
7311	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар (миллий валютада)	
7312	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар (хорижий валютада)	
7800	УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЕТЛАР	П
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари	
7811	Узоқ муддатли банк кредитлари (миллий валютада)	
7812	Узоқ муддатли банк кредитлари (хорижий валютада)	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7820	Узоқ муддатли қарзлар (миллий валютада)	
7820	Узоқ муддатли қарзлар (хорижий валютада)	

ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СҲЁТЛАР		
9710	Фавқулоддаги фойдалар	
9720	Фавқулоддаги зарарлар	
9800	СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СҲЁТЛАР	Т
9810	Фойда солиғи бўйича харажатлар	
9820	Фойдалан ҳисобланган бошқа солиқлар бўйича харажатлар	
9900	ЯКУНИЙ МОЛНИЯВИЙ НАТИЖАНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СҲЁТЛАР	Т
9910	Якуний молниявий натижа	
VI ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СҲЁТЛАР		
001	Оператив ижарага олинган асосий воситалар	БТ
002	Масъул саклашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар	БТ
006	Қағъий ҳисобот варақлари	БТ
007	Тулашга қобилнатиш дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи	БТ
008	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш - олинган	БТ
009	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш - берилган	БТ
010	Молниявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	БТ
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	БТ
012	Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	БТ
016	Фойдаланиш ҳуқуқида олинган номоддий активлар	БТ

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1-§. Аграр секторда таъминот ташкилотларининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти...	7
1.2-§. Таъминот ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	15
1.3-§. Таъминот ташкилотларида молиявий таҳлилни ташкил этишнинг хусусиятлари.....	26
I боб бўйича хулоса	38
II БОБ ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	41
2.1-§. Таъминот жараёни ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш.....	41
2.2-§. Таъминот ташкилотларида товарлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш.....	54
2.3-§. Реализация жараёни ва молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш.....	67
II боб бўйича хулоса.....	82
III ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ- БОБ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	85
3.1-§. Товар айланмаси таҳлилининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш	85
3.2-§. Таъминот ташкилотларида сотиш харажатлари таҳлилининг такомиллаштириш	100
3.3-§. Таъминот ташкилотлари молиявий натижалари таҳлили ва уни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш.....	114
III боб бўйича хулоса.....	132
ХУЛОСА	134
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	138
ИЛОВАЛАР	148